# “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган 2024 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида
# ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

*15.04.2024 йил ҳолатида*

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбир | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **26.** Мамлакатимизда чанг бўронларига қарши курашиш ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш доирасида:<br>а) 2024 йил 1 мартдан бошлаб:<br>ҳудудларда чанг бўрони содир бўлаётганда ва атмосфера ҳавосида майда дисперс заррачалари белгиланган нормадан юқори бўлгани аниқланганда аҳолини огоҳлантириш, юрак-қон томир ва нафас йўллари касалликларига чалинган ҳамда соғлиғи ҳавонинг ифлосланишига таъсирчанлиги юқори бўлган бошқа фуқароларни зарур профилактик чоралар тўғрисида доимий хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилсин;<br>ўлчами 500 метр квадрат ва ундан ортиқ бўлган қурилиш майдонларида, унга кириб-чиқиш йўлларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар жорий этилсин;<br>Тошкент шаҳрида юк ташиш учун мўлжалланган, рухсат этилган тўла вазни 10 тоннадан юқори бўлган N2, N3, O4 тоифага кирувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракати тиғиз вақт оралиқларида тақиқлансин. Бунда, ушбу чекловлар махсус хизмат шу жумладан, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг юк транспорти воситаларига татбиқ этилмаслиги белгилансин;<br>б) 2030 йилга қадар Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида «ЕВРО — 5» ва ундан юқори стандартларига мувофиқ бўлмаган автомашиналар эксплуатацияси босқичма-босқич чеклансин. | 2024 йил март<br><br>2024 йил август | **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги**<br>А. Абдухакимов<br><br>**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**<br>А. Худаяров<br><br>**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги**<br>Б. Закиров<br><br>**Ички ишлар вазирлиги**<br>П. Бобожонов<br><br>**Транспорт вазирлиги**<br>И. Махкамов | БАЖАРИЛГАН.<br>а) Мазкур топшириқнинг 26.а-банди ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиг вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “ШНҚ 3.01.02-23 “Қурилишда хавфсизлик техникаси” шаҳарсолик нормалари ва қоидаларининг 4-боб 80-банди ўзгартиришлар киритиб ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирнинг 2023 йил 9 ноябрдаги 369-сон буйруғи билан тасдиқланди.<br>2024 йил 5 мартдаги 24-05/510-сонли хат Вазирлар Маҳкамасига юборилди.<br><br>БАЖАРИЛМОҚДА.<br>б) Топшириқ ижроси юзасидан 2030 йилга қадар Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида «ЕВРО — 5» ва ундан юқори стандартларига мувофиқ бўлмаган автомашиналар эксплуатацияси босқичма-босқич чеклаш ишлари олиб борилмоқда. |
| 2. | **32.**Стратегик ислоҳотлар агентлиги Адлия вазирлиги, Ҳисоб палатаси билан биргаликда «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида йўналишлар бўйича амалий тадбирлар режалари бажарилишини, мақсадли кўрсаткичларга эришилишини ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини тизимли мониторинг қилиб борсин | 2024 йил давомида | | БАЖАРИЛМОҚДА.<br>Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» ҳаракатининг мазкур банд ижроси бўйича фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиб борилмоқда. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» ҳаракатининг мазкур банд ижроси бўйича фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиб борсин | | | |